41 (475)
2005 йил 12 октябрь
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
▶ Сафсатабозлар Сукрот бўлолмас!
▶ Фуқарога ғов бўлган ...оқсоқолми?!

3
▶ Кенг феъли, темир бардошли...
▶ Сўраса, халқ учун сўрайдиган одам

4
▶ Оқсоқол нимага изза бўлди?..
▶ Бухоро — зардўзлар ватани

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 октябрь куни Оқсаройда Россия Федерациясининг саноат бўйича федерал агентлиги раҳбари Борис Алёшинни қабул қилди.

Б.Алёшин Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро комиссиясининг ҳамраисидир. У мазкур комиссиянинг Тошкентда ўтган навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг яқинда Санкт-Петербургда бўлиб ўтган учрашуви ҳам ҳамкорликнинг кўлам ва даражасини ҳар томонлама ошириш билан боғлиқ принципиал масалаларга бағишланди.

Меҳмон Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришда, айниқса, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришда муҳим омил бўлаётганини қайд этди. Ҳукуматлараро комиссиянинг Тошкентда ўтган навбатдаги мажлиси юксак савияда ташкил этилгани ва муваффақиятли якунланганини алоҳида таъкидлади. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЎзА

Қарор ва ижро

ТАНТАНАЛИ КУЗАТИШ МАРОСИМИ

Мамлакатимизда ҳарбий-тиббий кўрикдан муваффақиятли ўтган, мудофаа ишлари бошқармаси йиғин ва чақирув пунктларидаги синовларда юқори балл тўплаган, ҳар томонлама баркамол йигитларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш давом этмоқда.

Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида ўтказилган навбатдаги кузатув маросимида ҳарбийлар, ота-оналар, маҳаллий ҳокимият ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ватан ҳимоясига бел боғлаб, майдонда саф тортиб турган ёшларни билдирилган ишончга муносиб бўлишга, зиммаларидаги йигитлик бурчини аъло даражада адо этишга чақириб, уларга оқ йўл тиладилар.

— Дастлабки юз нафарга яқин чақирилувчини чегара қўшинлари ҳарбий қисмларига кузатдик, — дейди Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси чақирув бўлими бошлиғи, подполковник Бахтиёр Иброҳимов. — Бугун ҳам барча синовлардан яхши ўтган юз нафарга яқин йигитни Ички ишлар вазирлигига қарашли ҳамда бошқа ҳарбий қисмларга жўнатяпмиз.

— Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув муассасасида таълим олдим, — дейди оққўрғонлик Мурод Қозоқбоев. — У ерда кўп нарсани ўқиб-ўргандим. Хизмат давомида устозларим, ота-онам ва маҳалла аҳли билдирган ишончни оқлашга ҳаракат қиламан.

— Фарзандимни кузатяпман, — дейди юқори чирчиқлик Камола опа Бозорқулова. Ўғлим Азизжоннинг орзуси ушалди. Энди у ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган иззат-икромга жавобан халқимизга, Президентимизга садоқат билан хизмат қилиши зарур. Мен барча оналар номидан ҳарбийларимизга имтиёз ва қулай шарт-шароитлар яратиб берилаётгани учун миннатдорлик билдираман.

Кузатиш маросимида куй-қўшиқлар рақсларга уланди, у ҳақиқий тантанага айланиб кетди.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

— Яна нима дейди?
— Яна бир Рустам неварангиз чемпион бўлди, — дейди.

ЎЗБЕК ПАХТАСИ ДУНЁГА МАШҲУР

Биринчи Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси кунларида 1,1 миллион тонна пахта толасини етказиб бериш бўйича 90 дан ортиқ шартнома имзоланди

Маълумки, мамлакатимиз пахта етиштириш соҳасида дунёда етакчилардан ҳисобланади. Заминимизнинг серҳосил тупроғида етиштирилаётган сифатли "оқ олтин" толаси жаҳон бозорида ғоятда харидоргир. 10 октябрь куни пойтахтимиз Тошкент шаҳрида очилган Биринчи Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркасида ҳам бунинг яққол исботини кўриш мумкин бўлди. Ўзбекистон ҳукумати томонидан Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси ва ушбу соҳада энг нуфузли нашрлардан бири "Cotton Outlook" журнали билан биргаликда ташкил этилган ушбу ярмаркада 26 мамлакатдан келган 200 дан ортиқ компания ва фирма вакиллари иштирок этдилар. Ўз навбатида ярмарка орқали пахта саноати соҳасида давлатлараро самарали ҳамкорлик режалари хусусида ҳам келишиб олинди.

СУРАТДА: *хорижлик пахта саноати вакиллари пахтазорларимизда.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

● Ҳосил мўл — ризқ мўл

КАТТА КАРВОН: ҚАШҚАДАРЁ МАРРАДА

Республиканинг катта карвони — Қашқадарё вилояти пахтакорлари ҳам улкан "оқ олтин" хирмони уйиб, давлатга пахта сотиш шартнома мажбуриятини бажардилар. Ватанга 430 минг тоннадан ортиқ фақат биринчи навли хомашё етказиб берилди.

Тайёрланган воҳа пахтасининг 85 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келади. Бу йил пахтачиликнинг рентабеллик даражаси ширкат хўжаликларида 28 фоизни, фермер хўжаликларида эса 47 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Ҳозирги пайтда вилоятда 17100 фермер хўжалиги фаолият кўрсатаяпти. Жорий йилда уларнинг 13071 тасида пахта етиштирилди. Қарши туманидаги "Сардор Ш", "Жаҳонгир", Косон туманидаги "Сайёд ШШ", "Дилмурод Омонов", Нишон туманидаги "Хўжаёр ота", "Миролим", Миришкор туманидаги "Жумаев Бекназар" Касби туманидаги "Шоберди ота Янгибоев", "Раҳимова Тожинор", Муборак туманидаги "Абруй бобо", "Нуриддин" каби қатор фермер хўжаликларида шу кунгача гектаридан 45-50 центнер ва ундан ҳам юқори ҳосил кўтарилиб, пахта тайёрлаш мажбуриятлари 1,5-2 ҳиссадан ошириб уддаланди.

Вилоятда пахта йиғим-теримига 12 сентябрдан киришилиб, шартнома режаси 25 иш кунида бажарилди. Шартнома мажбуриятини қисқа кунларда уддалаган Косон, Нишон, Қарши ва Миришкор туманлари бугунгача 52-70 минг тоннадан хирмон уйиб янада юксак чўққиларга интилмоқдалар. Чўлқувар Косон тумани пахтакорлари 80 минг тонналик хирмон уйишни кўзлаётган бўлсалар, касбиликларнинг аҳди ялпи ҳосилни 90 минг тоннага етказишдир.

Пахта йиғим-терими мавсумида ҳамюртларнинг ҳамжиҳатлиги, ўзаро ёрдами, ҳамкорлиги каби гўзал фазилатлари яна бир бор намоён бўлди.

Шартнома мажбурияти бажарилган бўлсада, далада ҳосил мўл. Шунинг учун ҳам воҳа пахтакорлари ялпи ҳосил миқдорини 500 минг тоннага етказишга аҳд қилдилар. Шартномадан ортиқча пахта катта даромад демакдир.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Сўнгги тўққиз йил давомида Наманган вилояти пахтакорлари пахта етиштириш бўйича белгиланган шартнома режасини бажара олмай келар эди. Бу йилги мавсумда эса улар давлатга пахта сотиш бўйича шартнома мажбуриятини ортиғи билан адо этиб, зафар маррасини эгаллади.

НАМАНГАНЛИК ПАХТАКОРЛАР ЗАФАРИ

Вилоят ҳокимлигидан маълум қилишларича, тайёрлов пунктларига 261 минг тонна пахта топширилди, ҳосилдорлик ҳар гектардан 27,7 центнерни ташкил этди. Бу — қишлоқ хўжалигида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш самарасидир. Пахтакорлар чигитни эрта экиш, обитобида суғориш, ерга етарли миқдорда минерал ўғитлар солиш ва бошқа замонавий агротехника тадбирларига қатъий амал қилдилар ва бу мўл ҳосил етиштиришда муҳим омил бўлди.

Пахта йиғим-теримида корхона ва ташкилотлар ходимлари фаол иштирок этди, маҳаллалар аҳли ҳам деҳқонларга яқиндан ёрдам берди.

Айниқса Поп, Чуст, Тўрақўрғон, Норин, Наманган, Уйчи, Учқўрғон туманлари меҳнаткашлари пахта мавсумида бошқаларга ўрнак бўлиб, умумий хирмонга катта ҳисса қўшди. «Олмос», «Дўстлик», «Кайкиобод», Беруний номидаги, «Навбаҳор», «Наврўз» каби илғор ширкат хўжаликлари юқори ҳосилдорликка эришди ва мавсумнинг биринчи ойидаёқ режа топширигини бажарди.

Вилоят пахтакорларининг шуҳратини тиклашга фермер хўжаликлари салмоқли ҳисса қўшди. Улар ҳосилнинг 58 фоиздан ортиғини етказиб берди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бу йил вилоятда пахта етиштиришдан кутилаётган ялпи даромад 71,4 миллиард сўмни ташкил этиши ва 9,1 миллиард сўм соф фойда олиш кутилмоқда.

Илҳом РАЗЗОҚОВ,
ЎзА мухбири.

Самарқанд вилояти

● Спортчиларимиз довруғи

РУСТАМ ПОЛВОН — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

НАМАНГАН (ЎзА мухбири И.Раззоқов). Россиянинг Қозон шаҳрида белбоғли кураш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида наманганлик полвон Рустам Умаров биринчи ўринни эгаллади.

Рустам ўн икки ёшидан таниқли мураббий Неъматжон Тўйчиевдан кураш сирларини ўрганиб келади. Н.Тўйчиев мамлакатимиз терма жамоасига кўплаб машҳур спортчиларни тайёрлаб берган. Татаристон пойтахтида бўлиб ўтган чемпионатда Неъматжон аканинг яна бир шогирди — Музаффар Мирзажонов бронза медали соҳиби бўлди.

Чемпионатнинг финал босқичида Ўзбекистон полвонлари Ироқ, Афғонистон ва МДҲ мамлакатларининг тажрибали курашчиларига қарши гиламга чиқди. Умумжамоа ҳисобида ўзбекистонликлар битта олтин, иккита кумуш ва иккита бронза медалини қўлга киритиб, учинчи ўринни эгаллади.

● Муштарий муносабати

"Маҳаллангни кезаман — маҳаллангни бузаман..." 2005 йил 5 октябрь

МАҲАЛЛАМИЗ БУЗИЛМАСДИР...

Ҳақиқатдан маҳалла тизими ўз салоҳияти билан мамлакатимиз, юртдошларимиз ҳаётида катта аҳамият касб этмоқда. Маҳалла тизими ривожи, фаолияти ҳукуматимиз, айниқса, Юртбошимизнинг доимий эътиборида. Айни пайтда маҳалладек ўзига хос тизим ҳаётига хорижлик қизиқувчилар ҳам кам эмас. Ва албатта, биз уларнинг маҳаллаларимизни кезишига, уни ўрганишига қарши эмасмиз. Лекин мақола муаллифи айтмоқчидек, уларнинг маҳалламизни кезиш баробарида уни бузишга қаратилган хатти-ҳаракатларини кўргач...

Мен мақолада ёдга олинган маҳаллаларимиз ҳаёти нотўғри талқин этилган ҳолатдан хабардорман. Унда турмуш ўртоғи билан ажрашмоқчи бўлган аёлларга маҳалла ходимлари тазйиқ ўтказадилар, уларни ажрашмасликка мажбур қиладилар, деган фикр ҳам бор эди. Барбод бўлаётган оилани сақлаб қолишга уриниш, фарзандларни етимлик балосидан қутқариш, эрни ҳам, хотинни ҳам муросага чақириш аслида жамият равнақи учун фойдали, қолаверса, савоб иш-ку. Кейинчалик маҳалла ходимлари ундови билан оиласини сақлаб қолган аёлларнинг барчаси бундан фақатгина мамнун бўлишади-ку.

Масалан, бизнинг маҳалламизни олайлик: икки йиллик оқсоқоллик фаолиятим давомида бу ерда биронта жиноят содир этилгани йўқ, биронта ҳам оила барбод бўлгани йўқ. Ҳатто мактаб ёшидаги болалар ҳам катталардан ўрнак олиб бир-бирларини ҳурмат қилишади. Маҳалламизга чет эллик меҳмонлар, мутахассислар ташриф буюриб туришади. Япониялик, украиналик меҳмонлар бир неча кун маҳалламиз ҳаётини кузатишганди. Лекин улар юртимизга очиқ юрак, яхши ният билан келган эканларки, маҳаллани жамият ривожи учун хизмат қиладиган жиҳатлари кўп эканини эътироф этиб кетишганди.

Нохолис хорижликлар ёки сохта сиёсатдонларнинг "Маҳаллангни кезаман — маҳаллангни бузаман" мақоласида баён этилганидек найранглари фош бўладию, уларнинг "ўйинига ўйнаган"лар маҳалладошлари олдида уятли бўлганлари қолади. Токи маҳалладошларимиз ўз фарзандлари равнақини ўйлаб ватанга, она юртга садоқатли, вафоли эканлар, ҳар қандай бузғунчилар шум ниятларига етолмайлар.

Суннат КУБАЕВ,
Самарқанд шаҳридаги Мирсаид Барака номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **060** рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«М.А» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА 2006 йил УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. 2006 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ЯПОНИЯДА ПОЧТА ТИЗИМИ ХУСУСИЙЛАШАДИ

Япония парламентининг қуйи палатаси мамлакат почта тизимини хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун лойиҳасини тасдиқлади. Энди лойиҳа бир ҳафтадан сўнг юқори палатага тақдим этилади. У ерда ҳам бош вазир Жунъитиро Коидзуминнинг тарафдорлари кўпчиликни ташкил қилишини ҳисобга олсак, мазкур лойиҳа юқори палата тасдиғидан ўтишига шубҳа йўқ.

Почта тизимини хусусийлаштириш масаласи кейинги икки ой ичида мамлакат сиёсий ҳаётида анча-мунча ўзгаришларга сабаб бўлди. Август бошида ҳукумат тақдим этган қонун лойиҳаси парламент тасдиғидан ўтмагач, Ж.Коидзуми қуйи палатани тарқатиб юборишга мажбур бўлди ва муддатидан аввал сайлов ўтказишга фармойиш берди. 11 сентябрь куни ўтказилган сайловда Ж.Коидзуми раҳбарлик қилаётган Либерал-демократик партия (ЛДП) ва унинг иттифоқдоши Комэйта партияси ғалаба қозонди.

Сайловдан сўнг қайта сайланган бош вазир янги таркибдаги парламентнинг навбатдан ташқари сессиясида яна почта масаласини кўндаланг қўйди. Илгари ЛДПнинг айрим депутатлари «почта тизимини ислоҳ этиш партия обрўсини туширишга олиб келади, қолаверса, халқнинг ҳукуматга ишончи йўқолиши мумкин» деган хавотир билан унинг иқтисодий ислоҳотларини маъқулламаган бўлса, янги сайланганлар лойиҳани бир овоздан тасдиқлади.

Японияда почта тизими иқтисодиётнинг жон томирларидан бири саналади. 25 мингга бўлинмадан иборат почта хизматининг жами омонат ва суғурта ҳисоб рақамларида қарийб 3 триллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сақланади. Ж.Коидзуми давлат бундай йирик маблағдан унумли фойдалана олмаяпти, шунинг учун уни хусусий компанияларга топшириш керак, деган фикрда.

Иккинчи бор тақдим этилган қонун лойиҳасида ҳеч бир ўзгариш йўқ. Фақат унинг ижроси, яъни почта тизимини хусусийлаштириш олти ой кейин, 2007 йилнинг апрел ойидан бошланадиган бўлди. Режага кўра, почта хизмати тўртга бўлинади ва миллий холдинг компанияси назоратига ўтади. Ўша йилнинг октябридан то 2017 йилгача мазкур компания барча почта акцияларини хусусий мулкдорларга сотиш билан шуғулланади.

Хуллас, Ж.Коидзуминнинг иқтисодий режаларидан бири амалга ошадиган бўлди. Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Ҳозир почта тизимида 260 минг одам хизмат қилади. Кузатувчиларнинг фикрича, хусусийлаштириш жараёни бошлангандан кейин тармоқда иш ўринлари қисқариб кетиши мумкин. Ҳукумат эса бундан хавотир олаётгани йўқ. Зеро, йирик почта тизимини бутунлай хусусийлаштириш мамлакат иқтисодиётини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Воқелик ҳақиқат кўзгусида...

ОДДИЙ МАНТИҚ

Дунёда мукаммал қонунлар АҚШда яратилганлиги ҳақида тез-тез эътироф этилади. Бу ҳақиқатга яқин. Бир вақтлар АҚШ Югославия давлатига қарши санкция эълон қилади. Аммо машҳур гроссмейстр Бобби Фишер мавжуд санкцияга қарамай Югославияга, яъни Белград шаҳрига ташриф буюради. Машҳур шахматчининг айни шу хатти-ҳаракатидан сўнг, унинг бошида "қора булутлар" пайдо бўлади. Ҳукумат АҚШ қонунларини менсимаган Фишерни қамоққа олишга қарор қилади. Аммо шахматчи АҚШга қайтиб бормагани сабаб, Интерпол орқали қидирув эълон қилинади.

Б.Фишернинг Япония ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан қўлга олингани ва унинг кейинги тақдири ҳаммага яхши маълум, шу сабаб ҳам бу ҳақда тўхталмаймиз. Гап АҚШ қонунларининг ҳаётга татбиқ этилиши ҳақида. Демак, қонун бузилдими, у ким бўлишидан қатъий назар жазога тортилиши шарт. Буни фақат қўллаб-қувватлаш керак. Аммо...

Келинг, гапни бир бошдан бошлайлик. Шу йилнинг 12-13 май куни Андижонда бир гуруҳ шахслар қамоқхонага, милиция идорасига бостириб кириб, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларини ўлдиради, жиноятчиларни қамоқдан озод қилиб юборишади-да, вилоят ҳокимлиги биносини эгаллашади. Сўнгра, қариндош-уруғлари, таниш-билишларига телефон қилиб ҳокимият биноси олдига келишларини сўрашади.

Ғарб оммавий ахборот воситалари ана шу ҳодисага катта эътибор қаратишлари лозим эди. Аммо нима учундир хорижлик ҳамкасбларимиз, моҳиятга тушуниб етмай(балки тушуниб) босқинчиларни қўллаб-қувватлай бошлашди. Уларни "миллий қаҳрамон" даражасига олиб чиқдилар.

Июнь ойи сўнгида Москвада Россия радио ходимларининг фестивали бўлиб ўтди. Анжуманда қатнашиш шарафига муяссар бўлдим. Фестиваль ишида Би-Би-Си радиосининг Кавказ ва Марказий Осиё бўйича хизмати ходими Марк Григорян ҳам қатнашиб, яхши маъруза қилди. У ўз сўзида, Би-Би-Си радиоси ҳодисани ёритишда учта манбага таянишини ва барча томонларга ўз фикрини билдириш имкониятларини бериши ҳақида гапирди. Унинг деярли ярим соатлик маърузасидан сўнг жим туролмадим:

— Бизда "домланинг айтганини қил, қилганини қилма", деган мақол бор. Гапларингиз шунга ўхшаб кетмоқда. Ахир Андижон воқеаларини ёритишда ҳозиргина айтган гапларингизга риоя қилмадингизку? — дедим. У гапни олиб қочишга ҳаракат қилди. Аммо жавобидан қониқмадим.

Мен, Андижон воқеалари ҳақидаги хабарни эрталаб 7.00 да, яъни ҳодисадан атиги тўрт соат ўтиб, Би-Би-Сининг рус хизмати орқали эшитдим.

Бу ҳодисани ёритишда Би-Би-Си тўрт соат ичида қандай қилиб учта манбани топиб улгурганига ҳалигача ақлим етмаяпти. 13 май куни кечқурун Би-Би-Сининг бир соатлик, "Озодлик"нинг икки соатлик эшиттиришларининг 90 фоизи Андижон воқеаларига бағишланди. Лекин бу икки радио ҳам бир томонни, тўғрироғи милиция идораси, қамоқхона ва ҳокимият биносини эгаллаб олганларнинг фикрини берди. Бир сўз билан айтганда мувозанат бузилди. Агар журналистлар ҳукумат расмийларига микрофон тутиб, улардан жавоб олганларида бошқа гап эди. Аммо хориж журналистлари расмийларга умуман микрофон тутишни хаёлларига келтиришмади.

Ундан кейин қочоқлар масаласи ўртага чиқди. Ўзбекистон "жиноят содир этганликда гумон қилганларни сўрашга ҳақли эди", — деган савол бирорта хориж журналистининг ҳатто хаёлига ҳам келмади. "Қочоқ"ларнинг ҳаммаси "қаҳрамон"ларга айланди қолди.

Қўли қонга ботмаган, одамларга қарши қурол кўтармаган шахматчи Белградда шахмат ўйнагани учун халқаро қидирув эътиборига тушди. Бегуноҳ одамларни, хусусан, ҳуқуқ-тартибот ходимларини ўлдирган, қўли қон жиноятчиларга қочоқ мақоми берилиб, кимларнингдир хайри-эҳсони билан чет элга олиб чиқилди. Бу ерда оддий мантиқ йўқлигини ўйлаб ўйимга етолмайман..

Ироқ ва Афғонистонда бўлиб ўтган сайловларни олайлик. Коалиция кучлари забт этиб турган бу икки давлатда президентлик ва парламент сайловлари "демократик ва эркин ўтди" деб баёнот берилди.

Аммо бир нечта номзод қатнашган Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистондаги сайловлар демократия тамойилларига риоя қилинмаган ҳолда ўтганмиш... Қани мантиқ???

Таниқли қўшиқчи Майкл Жексон баччабозлик(педофиллик)да айбланиб, суд қилинди. Айби исботланмади. Ҳар ҳолда машҳур бўлишига қарамай, судга тортилди.

Бизда эса унча ҳам машҳур бўлмаган Руслан Шарипов деган "ҳуқуқ ҳимоячиси" (таниқли қўшиқчи эмас, фақат унга исмдош ва фамилиядош) баччабозликда айбланди ва айби исботланиб қамоқ жазосига ҳукм қилинди. У кимлардир айтаётганидек бесоқолбозликда эмас, балки баччабозликда айбланди. Вояга етмаган ўғил болаларни жинсий алоқага бошлагани учун, айби исботланган ҳолда озодликдан маҳрум қилинди. Хориж журналистлари ва "ҳуқуқ ҳимоячилари" бундан ҳам айб топишди. Гўёки, у ҳукуматни танқид қилгани ва "ўта долзарб танқидий чиқишлари" учун "туҳмат" билан қамалганмиш. Руслан Шарипов деган "журналист ва ҳуқуқ ҳимоячиси"ни Ўзбекистонда тўрт-беш кишидан бошқа ким ҳам танирди?! Ёзган мақолалари билан ҳам деярли ҳеч кимга таниш эмасди-ку, ахир?!

Мантиқ бу ерда ҳам кўринмайди. Нима учун Майкл Жексон (бунинг устига таниқли хонанда) судга тортилиши мумкин-у, деярли ҳеч кимга таниш бўлмаган Руслан Шарипов судга тортилиши мумкин эмас?!!

Қадимда Суқрот деган файласуф ўтган. Ҳеч қандай айби бўлмаса-да, уни заҳар ичиш йўли билан ўлим топишига ҳукм қиладилар. Дўстлари унга қочиб кетишни маслаҳат беришади. Аммо у ўзи устидан чиқарилган (нотўғри бўлса-да) ҳукмни ижро қилишни шараф деб билган. "Қонун — ҳамма нарсадан улуғ. Ҳукм ўқилдими у бажарилиши керак", — дейди у ва бир коса заҳар ичади. У қонунлар бажарилиши кераклигини ўлими билан исботлайди. Тарихда Суқрот яхши ном билан қолади.

Яна бир киши тарихда абадий қолган. Унинг исми Геростратдир. У ибодатхонага ўт қўяр экан, нима учун бу ишни қилдинг, деб сўрашганда, "Тарихда қолиш учун" дея жавоб қайтаради.

Герострат бўлиш осон, аммо Суқрот бўлиш қийин. Андижонда қамоқхонага ҳужум қилганлар, ҳукумат биносини эгаллаганлар, театр ва кинотеатр биносини ёққанларнинг Геростратдан қаери кам?

Мени бир нарса ўйлантиради. Худо кўрсатмасин 12-13 май ҳодисаларида ҳокимият жангарилар қўлига ўтиб қолганида нима бўларди? Жангариларга эргашган содда халқ тақдири нима бўларди? Ўзбекистон жангари, безорилар бошқарадиган мамлакатга айланармиди? Ўйлашнинг ўзи хатарли. Бундан Яратганнинг ўзи асрасин.

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Навоий вилояти

Ҳосил — 2005

Бугунги қуёшли кунлар юртимизда пахта ҳосили йиғим-терими қизғин паллага кирган бир пайтда ғаниматдамлар ҳисобланади. Шу боис, ҳозирда кўпгина юртдошларимиз пахта далаларига ҳашарга чиққан.

"МАҲАЛЛА" — ПАХТАЗОРДА

Бундай хайрли ишлардан "Маҳалла жамғармаси" Навоий шаҳар бўлинмаси ходимлари ҳам четда тургани йўқ. Бўлинма раиси Собиржон Муқумов терим мавсуми олдидан фаоллар билан кенгашди, ўз фикрини билдириб, маслаҳат олди. Тез орада бўлинма ходимлари ҳамда шаҳардаги маҳалла фаолларидан иборат 50 кишилик ҳашарчилар гуруҳи тузилди. Айни пайтда улар шаҳарга қўшни бўлган Кармана туманининг "Нарпай" ширкат хўжалиги ҳамда "Рустам — 2000" ва "Шерзод бобо" фермер хўжаликлари далаларида пахта термоқдалар.

— Ҳашарчиларимиз орасида илғорлар кўп, — дейди бўлинма раиси С.Муқумов. — Хусусан, Орзу маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Аъзамжон Шарипов терим суръатини ошириб, ҳар куни 70-80 килограммдан пахта тераётган бўлса, Янгиобод маҳалласининг фаол аёлларидан бири Дилафрўз Ҳожиева сафдошлари орасида пешқадам.

Ҳашарчилар жамоасининг терган пахтаси бугун 30 тоннага яқинлашиб қолди. Улар яна каттагина хирмон кўтариш ниятида. Шунингдек, Д.Ҳожиеванинг фаоллиги унинг маҳалладошларида ҳам ҳавас ва иштиёқ уйғотди. Яқинда Янгиобод маҳалласидан 10 нафар ишсиз аёллар этак тутиб пахтазорга келдилар. Айни пайтда Янгиобод маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Ризо Санақулов бошчилигидаги ушбу теримчилар гуруҳининг кўрсаткичлари ниҳоятда қувонарли.

Ўтган куни вилоят пахтакорларининг 110 минг тонналик пахта хирмони тўплаб, маррага етганликлари ҳақидаги хушхабар "Маҳалла"нинг ҳашарчилари қалбига ҳам қувонч олиб кирди. Ўз навбатида вилоятнинг шартнома мажбуриятини бажаришида Конимех, Хатирчи ва Навбаҳор туманлари қаторида Кармана тумани пахтакорларининг ҳам ҳиссаси салмоқли бўлганлигини эшитган ҳашарчилар айни кунларда янада ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилиб, терим суръатини оширмоқдалар. Зеро, ҳали далаларда ҳосил кўп. Қолаверса, ялпи ҳосил салмоғини 120 минг тоннадан оширишга аҳд қилган вилоят пахтакорларининг асосий бойлигимиз — "оқ олтин"ни йиғиб олишга бўлган иштиёқи ҳам баланд.

Менглибой МУРОДОВ,
"Mahalla" мухбири.

Андижон вилояти

ОЛТИНКЎЛ — ВОДИЙДА БИРИНЧИ

Яқинда Олтинкўл тумани пахтакорлари йиллик шартномавий режани бажарганликлари ҳақидаги зафарномага имзо чекдилар. Улар шу кунгача юртимиз хирмонларига 21 минг 212 тоннадан зиёд сифатли пахта хом ашёси топширишга эришдилар.

Бу туман пахтакорлари, қишлоқ хўжалиги идоралари, туман ҳокимлиги ва барча корхона, ташкилот, муассаса жамоаларининг баракали меҳнати маҳсулидир.

— Пахтакорларимиз астойдил қилинган меҳнат туфайли давлатга пахта сотиш бўйича шартномавий режани водийда биринчи бўлиб бажардилар, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Музаффар Умаров. — Ғўза етиштирилган 6686 гектар майдоннинг ҳар гектаридан шу кунгача 32 центнердан ҳосил кўтарилди. Топширилган ҳосилнинг деярли ҳаммаси биринчи навларга сотилди. Бунинг эвазига биргина пахтачиликнинг ўзидан 6 миллиард сўм даромад қилинди.

Эришилган бу муваффақиятга тумандаги бир қатор ширкат ва фермер хўжаликлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди. Хусусан, "Андижон", "Намуна", "Мадиёробод", "Машъал", "Оқтепа", Ризаев номли ширкат хўжаликлари деҳқонлари йиллик шартномавий режани барвақт бажариб, айни кунда режага қўшимча равишда пахта топширишмоқда. Туман пахтакорлари ўз имкониятларини чамалаб чиқиб, яна давлатга 4 минг тонна пахта етказиб беришга аҳд қилдилар.

Узоқбой САКСОНБОЕВ

Обуна — 2006

МАЪРИФАТ ЖОНКУЯРЛАРИ

Почта хизмати ходимларига маърифат, зиё тарқатувчилар деб ҳам сифат берамиз. Улар бундай шарафли номга ҳақли равишда муносиблар, чунки уларнинг меҳнати туфайли минглаб нашрлар юртимизнинг энг чекка нуқталаригача етиб боради. Айни кунларда юртимизда обуна мавсуми тадбирлари авжига чиққан. Айниқса, вилоятларда обуна билан боғлиқ ишларни юксак даражада ташкил этишда почта хизмати ходимларининг ташкилотчилик фазилатлари жуда асқотмоқда.

— Обуна мавсумида ҳар доимгидан икки ҳисса ғайрат билан ишлаймиз, — дейди Ўзбекистон почтаси ОАЖ Фарғона филиали ишлаб чиқариш участкаси обуна бўлими бошлиғи Насибахон Тожибоева.

Ш.ҚОРАБОЕВ олган сурат.

Муносабат: "Оқсоқол фуқаро йўлига гов бўлса..." 28 сентябрь

АСОС СЎРАШГА АСОС БОРМИ?

Газетамизда Шайхонтоҳур туманидаги Шоилҳом Шоюсупов номли маҳалла фуқаросининг тахририятга мурожаати чоп этилган бўлиб, унда мактуб муаллифининг бундан бир неча йил аввал маҳалла ҳудудида ўз маблағи ҳисобидан чойхона қургани ва унинг фаолиятини йўлга қўйгани, шу давр мобайнида бу чойхона ишини юритиб келгани, бугунги кунда чойхонани хусусийлаштиришга киришгач унинг йўлига маҳалла оқсоқоли А.Назаров ғов бўлаётгани ҳақида баён этилганди. Ҳатто оқсоқол судга сохта имзолар қўйилган ҳужжатлар тақдим этган бўлиб, судда бу ҳолат фош бўлган экан. Куни кеча тахририятга ушбу мактуб-мақолага зид фикр-муносабат билдирилган икки мактуб ва бир "мажлис" баёни келди...

Мактублардан бирида ёзилишича, бу можарода маҳалла оқсоқоли ҳақ бўлиб, унга қарши мактубнинг газетада чоп этилгани эса газета муҳаррирининг "кечириб бўлмайдиган" хатоси эмиш. Таҳририят раиснинг заҳмати оғир меҳнатини тушунмай, масъулиятсизлик қилганмиш. Оқсоқолнинг А.Пўлатов ҳақида судга "у ҳирсдан тўқ" дея "маълумот бериши ҳақорат эмас экан, тадбиркорнинг фаросати ҳатто шунга ҳам етмай, (бу ҳам деярли ҳақорат) ўз мактубида буни ҳақорат деб ёзибди экан. Ажабо, бу фикр яна маҳалла муҳри билан газетага ва судга ёзилган оқсоқолни оқловчи бошқа одамларнинг норозилик хатидаги фикр билан ҳамоҳанг. Имзо қўювчилар эса... Жиззах вилояти Бахмал туманидаги Ғулижамол жамоа хўжалигида яшовчи Турсунқулов Жамолиддин, "шу вилоятдан, тумандан, лекин Бўстон жамоа хўжалигидан Самандаров Қадамбой" яна шу жойдан Сатинбой Нуруллаев... Конвертдаги манзил — "довостребование". Қизиқ бу шахсларнинг пойтахт маҳаллаларидан биридаги чойхона можаросига нима алоқаси бор экан? Бу савол сизда ҳам туғилса керак, азиз муштарий. Буни қарангки, муаллифлар ўз мактубларини шундай давом эттирадилар: "Биз Тошкент шаҳрига тирикчиликка келиб уй-жой, бетон, сувоқ ишларини мардикорликда бажарамиз, шунинг учун 5-6 ойлаб Тошкентда яшаймиз." Ана холос! Бу азаматлар мардикорлик ишларидан ортиб, "Mahalla" газетасини ўқиб, ўзлари яшамайдиган маҳалла оқсоқолини ҳимоя қилиш учун жойларга мурожаатлар ёзишар экан!?

Шунингдек, ушбу мақола юзасидан "Ш.Шоюсупов номли махалла фуқаролар йиғининг кенгайтирилган мажлис Карори" ҳам тахририятга йўлланган. Биз мазмун бузилмаслиги учун бу қарордан парчаларни ундаги хатоларни тузатмасдан келтирамиз. "Кенгайтирилган мажлис"да "...Махалла фаоллари Б.Ибрагимов, Ш.Авазов, Ш.Мухторхужаев, М.Одилова, О.Мирхамидова, А.Абдурахмонов, Г.Йўлдошев, М.Азимов, У.Олимов, О.Ғулмухамедов ва бошқалар.

Махалла фуқаролари ва куча бошликлари: А.Хожиахмедов — профессор, М.Кодиров — доцент, С.Хикматов — ҳукукшунос, М.Махамаджонов, Т.Шакиров, Одил Ғулмухамедов, Ш.Шомирзаев, Н.Ахмаджонов ва бошқалар, жами — 55 киши." қатнашди деб кўрсатилади бу ҳужжатда. Ўзўзидан савол туғилади — маҳалла аҳли исми-шарифи қайд этиладиган ва қайд этилмайдиганларга бўлинадими? Бу ўринда йиғилиш қатнашчиси деганда 55 кишини тушунайликми ёки номлари зикр этилганларни?!

"Мажлис"да сўзга чиққан 5 та одамдан 4 таси номи қайд этилганлардан. Улар таҳририятни мақолани (аслида мактубни) босишда иккинчи томоннинг фикрини эшитмаганликда, воқеани кўрмаганликда айблайдилару, ўзлари ҳам ўша мақола "нотўғри" деб топилган йиғилишга на таҳририятдан вакил, на мактубни ёзган маҳалладошини ёки бошқа шикоятчилардан биронтасини таклиф қилишмаган. Уларнинг фикри асосан шундай: "макола махалла оксоколига, махалла шанига факат тухматдан иборат..." (Б.Ибрагимов), "... А.Пулатовни оксокол шанига нотугри, елғон сузлари езган маколасини чоб этган. Редакция ушбу маколани нимага асосан чоб этди..." (А.Ҳожиаҳмедов), "...далилларсиз катта махалла оксоколи шанига айтилган сузлардан таажжубга тушиб колдим..." (С.Ҳикматов), "...Тумандаги энг илгор махалла оксоколи шанига бундай тухмат сузларни чоб этиш адолатдан эмас..." (М.Қодиров), "...куп мингли ахолиси булган махалла шанига бундай тухмат сузлар езилганига бутунлай каршиман..." (Ш.Матёкубов). Сўзга чиққан ўша бешта одам шундай талаблар қўяди: "...Редакция нохакликка жавоб берсин...", "...Мен шахсан редакциядан жавоб кутаман...", "...Бунинг учун редакция ходимлари жавоб беришлари керак...", "...редакция ходимлари бундай маколани чоб этганлари учун жамоатчилик олдида чавоб берадилар.", "...Нима учун редакция асоссиз маколани чоб этган, бунинг учун редакция жавоб берсин. Махалла оксоколига манавий зарар келтиргани учун жавоб берсин..." Бу "кенгайтирилган мажлис" иштирокчиларининг "аҳиллиги"га қойилмиз. Улар нафақат якдиллар, балки сўзларининг бир хиллигини айтмайсизми? Улар зарур сўзларни роса машқ қилишган шекилли. Қаранг, ҳеч бўлмаса биронтаси бу ерда асосий эътибор қаратилган "шаън" (хатолар "баённома"ни оққа кўчирган кишининг айби бўлақолсин) сўзини шу сўзнинг бошқа маънодоши билан алмаштирса-чи, ёки "редакция" ўрнига "таҳририят" сўзини биронтаси ишлатса-чи? Ҳолбуки, чоп этилган шикоят мактуби остида "таҳририят" сўзи бор эди. Уларнинг "тезкорлиги"га ҳам қойил қолмай иложимиз йўқ. Зотан, мактуб чоп этилганининг эртасигаёқ у муҳокама этилган. "Кенгайтирилган мажлис"нинг ваколати шу даражада кенгайган эканки, бу ваколат судларнинг ваколатидан ортиқ бўлса ортиқки, асло кам эмасдек. Мана, танишинг: "...Узоқ фикр алмашувидан сунг Ш.Шоюсупов номли махалла фукаролар йигинини кенгайтирилган мажлиси КАРОР КИЛАДИ:

1. Республика махалла жамгармаси газетасида А.Пулатов томонидан езилган "Оксокол фукоро йулига гов булса" деган макола асоссиз деб топилсин.

2. Ушбу макола далилларсиз, текширмасдан газетада чоб этилгани нотугри деб хисоблансин. Оксоколга куйилган айблар асоссиз деб хисоблансин..."

Шу ҳужжат билан келган хат эса, Республика раҳбариятига ва шаҳар судига ҳам мўлжалланган экан. Бу хатда олдинги "даъво"лар қаторига яна "ажойиботлар" қўшилган. Эмишки, оқсоқолнинг судга сохта имзо тақдим этишини суд "бўрттириб баҳона" қилиб, "пашшадан фил ясабди". Ва шу боис "Биз ёр редакторга ва қонунбузар судья...(фамилияси келтирилган — ТАҲРИРИЯТ.)га нисбатан текшириш ўтказишни раҳбарлардан илтимос қилиб қоламиз" дейилади унда. Бу сўзлар учун жавобгарликни ҳис қилишмайди ҳам улар. Бу хатлар конвертларида ҳам манзил — "довостребование" экан.

Албатта, таҳририят ҳам ҳар бир иши, ҳар бир сўзи учун масъул. Ҳозирча "мақола нима асосда чоп этилди" деган саволга жавоб берамиз: асос — А.Пўлатовнинг шикояти. Аввало, газетада мақола эмас, ўша шикоят эълон қилинди. Текширмасдан эълон қилинди, деган даъвога жавобимиз эса қуйидагича: мактубда гап маҳалла ҳудудидаги чойхона биноси ким томонидан қурилгани ва оқсоқолнинг бу бинога ноҳақ даъво қилаётгани, устига-устак, маҳаллада масъул шахс бўлишига қарамай бу йўлда сохта имзолар тайёрлаганлиги хусусида эди. А.Пўлатовда бинони ўз шахсий маблағига қургани ва фойдаланиб келганини тасдиқловчи далиллар, гувоҳлар бор. А.Пўлатов номига тегишли қарор ёки фармойиши йўқлиги даъво қилинади. Аслида шу боис иш судда кўриляпти-ку! Бу ҳақда суднинг дастлабки инстанцияси хулосаси ҳам кичкина далил эмас. Хусусан "кенгайтирилган мажлис" иштирокчилари ардоқлаган оқсоқолнинг сохтакорлиги ҳақида ҳам суднинг алоҳида "Ажрим"и қўлимизда. Бунинг устига, биз гапни чувалаштирмаслик учун қўлимиздаги оқсоқолнинг номуносиб ишларидан нолиб ёзилган 23 та имзо қўйилган мактуб, ўнга яқин тилхатлар (ҳарҳолда бошқа ҳудуддан келган мардикорлар "ва бошқалар"дан кўра ишончли ва аниқроқ) ҳақида лом-мим демагандик. Таҳририят таянган мантиқ шу. Биз ҳозирча таҳририятга йўлланган юқоридаги мактуб ва мажлис баённомасида, гарчанд унга мухр босилган бўлса-да (мухр оқсоқол ёки котиб ихтиёрида бўлади) эълон қилинган мактубдаги ҳолатларни инкор этадиган асос кўрмаяпмиз. Аксинча, бу каби бирёқламаликда, маҳаллада шахслар ва идоралар номини обрўсизлантирувчи ёзишмаларнинг кўпайишида кимнинг "ҳиссаси" кўпроқ экани бизни ўйлантираяпти. Бу ҳам келажакда ўрганиладиган ҳолат.

ТАҲРИРИЯТ

Сурхондарё вилояти

САХОВАТ СУЯНЧ БЎЛДИ

— дейди хайрли ишларга бош бўлиб келаётган оқсоқол Тўрақул Эшмирзаев

Қумқўрғонга ҳар гал борганимизда бу ерда кўз ўнгимизда содир бўлаётган, заҳматкаш инсонлар қўли билан амалга оширилаётган ишларни кўриб кўнглимиз яйрайди. Бир томони поёнсиз далалар, иккинчи томони қумли тепаликлардан иборат ана шу гўша бошланишида улкан сув омбори ястаниб ётади...

Тумандаги Қумқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғинига Тўрақул Эшмирзаев раислик қилади. Котиби Олим Пардаев. Ҳудудда яшовчи 35 минг 370 нафар фуқаро 8520 оилага бирлашган. Оқсоқол Т.Эшмирзаев бундан бир неча йил олдин темир бетон ишлаб чиқариш корхонасида, кейинчалик туман меҳнат бўлимида назоратчи сифатида ишлар эди. 1997 йилдан буён эса қишлоқ фуқаролар йиғинига раислик қиляпти. Қишлоқ йиғинидаги 11 та қишлоқ 9 та маҳаллага бирлашган. Жорий йилда Қарсакли, Пахтаобод, Янгиер маҳаллаларида гузарлар иш бошлади. Хўжамулки махалласида эса улкан спорт иншооти қурилмоқда. Унинг бош ҳомийси "Олтин чигит" қўшма корхонасининг директори Жўра Менглибоев. Бу корхонанинг довруғи хорижга ҳам етиб борган. Воҳамиздаги барча туманларни чигит билан таъминлаш жараёнида ўз маҳсулотларини хорижга чиқариш йўллари қидириляпти. Корхона раҳбарлари савоб ишлардан ҳам четда қолаётгани йўқ. Шахсан Жўра Менглибоев бошчилигида улкан спорт мажмуаси қурилиши бошланган бўлса, ногиронларга кўрсатилган мурувват ёрдами 300 минг сўмдан ошиб кетди. Бундан ташқари, 570 минг сўмлик маблағ ногиронлари бор, боқувчисидан жудо бўлган оилаларга тарқатиб берилди. Чаёнтепа маҳалласида ўтказилган ажойиб тадбир ташкилотчиси ва ҳомийси ҳам шу корхона бўлди.

Фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Сафар Бойматов номли хўжалик ички йўлларни асфальтлаш, хонадонларни газлаштириш, ичимлик суви билан таъминлаш ишларига бош қўшиб келмоқда. Кези келганда оқсоқол Тўрақул Эшмирзаев 12 километрлик йўлни қайта таъмирлаш, асфальтлаштиришда хўжалик кўмагига суянди. Бундан ташқари, маҳалла оқсоқоллари Илҳом Чориев, Рўзи Усмонов, Йўлдош Нормуродов, Усан Бобоқулов, Ўрол Алимардоновлар жойларда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида янги ташаббуслар билан чиқишаяпти.

Омон ШУКУРОВ,
Парда НАЗАРОВ.

Фарғона вилояти

Мукофот муборак, отахон!

ТЕМИР БАРДОШЛИ ТЕМИРБОЙ ОТА



Юртимиз мустақиллигининг 14 йиллик байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра кўп йиллар давомида мамлакатимиз равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилган, ҳозирги пайтда ҳам бой ҳаёт тажрибаси, маънавий фазилатлари билан эл-юртга ибрат бўлиб, ўгит-насиҳатлари билан ёшлар тарбиясига ўзларининг катта ҳиссаларини қўшиб келаётган 14 нафар юз ёшдан ошган табаррук отахон ва онахонлар қаторида Темирбой ота Узоқов ҳам "Шуҳрат" медали билан мукофотланди.

Ёшларни Ватанга, халқимизга меҳр-муҳаббатли қилиб тарбиялашда, билимли, меҳнатсевар қилиб ўстиришда кекса авлоднинг бой тажрибаси ҳамиша қўл келади. Вилоятда шундай кексалар кўпчиликни ташкил қилади. Айни пайтда уларнинг 450 нафардан ортиғи юз ёшдан ошган.

Темирбой ота Узоқов ҳам 102 ёшда. Умрининг 40 йилини бир жойда — Водил пахта пунктида оддий ишчилик қилиб ўтказди. Фаолияти давомида ҳалол меҳнат қилди. Ўғиллари Маъруфжон, Маъмуржон, Орифжонларни, қизлари Зиёдахон ва Патилахонларни ҳам ўзи каби фидойи, ҳалол, эл ишига камарбаста инсонлар қилиб тарбиялади.

Темирбой ота ҳар куни ҳассасини дўқиллатиб ҳовлиси рўпарасидаги оталар чойхонасига чиқиб туради. Отанинг чойхонага чиқиши кўпчилик учун завқ бағишлайди. Унинг атрофи бир зумда маҳалладошлари билан гавжумлашиб кетади. Негаки ота ёшларга панду насиҳат қилишдан, ҳангомалар сўйлаб беришдан чарчамайди.

— Дунёда кенг феълли бўлинг, умрингиз узун бўлади. Ўзимдан қиёс: умр бўйи пахта пунктида юкчи бўлиб ишладим. Рўзғор, бола-чақа дегандай... тиним билмадим. Бугун эса мана табаррук ёшда меҳнатларим ҳузурини кўряпман, — дейди отахон ёшларга насиҳат бериб .

Темирбой отани яқинда Фарғона тумани маркази — Водил қишлоғидаги "Чинортаги" маданият ва истироҳат боғида ўтказилган катта тантанада учратиб қолдим. Мўйсафиднинг юзларидан нур ёғилиб турибди. У замонамиздан, Истиқлолдан бениҳоя миннатдор...

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Эл корига ярраган юртдошлар

Тошкент вилояти

Мустақиллик йилларида маҳаллаларда ишлар шунчалик кўпайиб кетдики, битта оқсоқолнинг вақти ҳам, имкони ҳам камлик қилиб қолди. Ёнига шу маҳалланинг баланд-пастини биладиган одамларни олиб иш юритадиган оқсоқол ҳамиша ютади. Чунки, "кенгашли тўй тарқамас" деганларидек кўпчиликка кўпнинг дардини ҳал этиш осон кўчади.

ОҚСОҚОЛНИНГ ВАҚТИ

у тўғри тақсимланса ва оқсоқолга маслакдошлар кўп бўлса, маҳалланинг барча юмуши битади

Ўрта Чирчиқ туманидаги Бургалик маҳалласида Қодир ҳожи Эрназаров деган бир қария яшайди. Бу тиниб-тинчимайдиган одам маҳалладаги муаммоларни ҳал этиш учун оқсоқолнинг ёнига кириб эмас, ёнига олиб ўзи югуради. Баъзилар "Қодир ҳожи, ўзингиз маҳаллага бош бўлиб қўяқолсангиз бўлмайдими?" деган гапни ҳам қилишади. У бунга жавобан "Бу ишларни оқсоқол бўлиб қилсам масъулият учун қиламан, ўзимча қилсам виждоним буюрганини қиламан" деб кескин жавоб қилади.

Маҳалладошлари унинг дангалчилигини, камчиликларни кўрганда "бетинг-юзинг" демай гапиришини билади. Шунинг учун ҳам маҳаллада шундай одам борлигидан қувонишади.

Қодир ҳожининг асли касби ўқитувчилик. Узоқ йиллар мактабга директорлик қилган. Ташкилотчилиги туфайли мактабнинг довруғини нафақат туманга, балки вилоятга, республикага ёйди. Унинг шогирдлари ҳозир талабчан устоздан минг бор миннатдор эканликларини изҳор этадилар.

Қодир ҳожи мустақиллик йилларида нафақада эди. Қўлини қовуштириб, уч-тўрт улфатлари билан чойхонада гурунг талашиб ўтирса ҳам биров бир нарса демайди. Фақат унинг феъли унақа эмас. У кимгадир ёрдам бермаса, маҳалланинг ишига қўлини урмаса касал бўлиб қолади. Айниқса, маҳалладаги муаммолар уни тинч қўймайди. Водопровод линиялари эскириб кетган, янгилаш учун югуриш керак. Бир-икки сўмга битадиган иш эмас, миллион-миллион маблағ керак. Маҳалла оқсоқолини ёнига олиб (оқсоқол ҳам шогирди) туман ҳокимлигидан тортиб республика идораларигача иш юзасидан кириб чиқади. Бир жойдан хурсанд чиқади, бир жойдан хафа бўлиб... Лекин "бор-е, менга нима" демайди. Ёки маҳалладаги йўллар илма-тешик бўлиб кетган, янги асфальт ётқизиш керак, керакли одамларга учрайди, ака дейди, ука дейди, ишқилиб розилигини олиб қайтади.

Маҳалла қабристонига кирсангиз бу ердаги саришталик ишларидан кўнглингиз кўтарилади. Қодир ҳожи бир куни қўшни хўжаликдаги бир маҳалланинг қабристонини кўриб ўша ернинг "катта"ларини роса уялтиради. Орадан бир йил ўтмай ўша қабристон ҳам сариштага бўлди.

Бургалик маҳалласида ва унга ёндош бўлган маҳаллаларда юзлаб қариялар яшайди. Кўпчилиги уйидан ҳатлаб фақат далани кўришган, яқин турган Самарқанду Бухорони ҳам кўришмаган. Қодир ҳожи маҳалланинг қўлидан иш келиб, бешолти сўмга эга бўлган йигитларини йиғиб, бирига автобус, бирига бошқа харажатларни юклаб қарияларни республиканинг ҳамма вилоятларига саёҳатга олиб борди.

Ўтган қиш маҳаллада ҳийла қийин кечди. Газ тақсимотининг нотўғри бўлиши аҳолига кўп қийинчилик туғдирди. Қодир ҳожи газ таъминоти идорасидагиларга тинчлик бермади. Бугунги кунда ҳам қиш келмай қийинчиликларнинг олдини олиш учун югуриб юрибди.

Очиқ айтишим керак, бу одамни ҳамма ҳам бирдай қабул қилавермайди. Аччиқ гаплари кимгадир ёқади, кимгадир ёқмайди. Бу одамнинг битта тили узун жойи бор. Сўраса халқ учун сўрайди, ўзи учун эмас. Болаларининг ҳаммаси топармон-тутармон, оиласи мустаҳкам.

Ҳамид НОРҚУЛОВ

Тошкент шахри

Фаолият эътирофи

ИШЛАРИМИЗ МУНОСИБ БАҲОЛАНМОҚДА

— дейди Комилжон Ғофуров номли маҳалла оқсоқоли Мақсудхўжа Азимхўжаев

Ҳақиқий ватанпарвар ва фидоий инсон эл ғамида, юрт қайғусида яшар экан, кези келганда ўз муаммо ва ташвишлари ҳақида унутади. Одамларга яхшилик қилиш илинжида шахсий манфаатларини четга суриб, доимо хайрли ишлар қилишга чоғланади.

Собир Раҳимов туманидаги Комилжон Ғофуров номли маҳалла оқсоқоли Мақсудхўжа Азимхўжаевда ҳам ана шундай хислатлар мужассам. У маҳаллага раис этиб сайлангунга қадар "Тошойна" очиқ турдаги акционерлик жамияти раиси муовини вазифасида ишларди. Мақсудхўжа аканинг номзодини оқсоқоликка тавсия этган маҳалладошлари унинг бу таклифга кўнишига шубҳа билан қараган эдилар. Негаки, нуфузли ташкилотда, раҳбарлик лавозимида ишлаб турган одам ўз вазифасидан осонгина воз кечиб жамоатчилик ишини танлаши, боз устига, минглаб фуқароларнинг қувончу ташвишига шерик бўлишдек масъулиятли ишни гарданига олиши кам учрайдиган ҳолат. Мақсудхўжа ака маҳалладошлари хоҳишига қарши бормади. Аксинча, уларнинг ишончидан руҳланиб хайрли ишларни амалга оширишга киришди. Дастлаб маҳалла учун гузар қуриш зарур эди. Ушбу бунёдкорлик ишини саховатпеша тадбиркорлар маблағ билан таъминлашди. Тез орада маҳалла марказида замонавий гузар биноси қад ростлади. Унинг орқа томонида шарқона услубдаги "Оталар чойхонаси" бунёд этилди.

— Маҳалламизда 3 минг 259 нафар аҳоли яшайди, — дейди оқсоқол М.Азимхўжаев. — Улар орасида меҳр-мурувватга муҳтож фуқаролар ҳам бор. Биз аҳоли турмушида тўкислик яратишга интилар эканмиз, даставвал ана шундай эҳтиёжманд инсонларнинг ҳаётини яхшилашга эришишимиз лозим. Бунда, албатта, маҳалланинг меҳр-мурувватли, саховатпеша одамлари кўмагидан фойдаланамиз. Уларнинг ҳолидан хабардор бўлиш, зарур бўлса ёрдам кўрсатиш фуқаролар йиғини томонидан тайинланган 22 нафар аёл ҳамда 22 нафар эркаклардан иборат кўчабошилар зиммасида. Бундан ташқари, 8 та кам таъминланган оилаларни маҳалла ҳудудида фаолият юритувчи корхона ва ташкилотлар ўз оталиғига олган.

Ҳудудда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш борасидаги ишлар ҳам қувонарли. Маҳалла фаоллари милиция таянч пункти ходимлари билан биргаликда навбатчиликлар ташкил этишмоқда. Ўтган ойдан бошлаб бу ҳамкорликка "Нуроний" жамғармаси туман бўлинмаси ҳам қўшилди.

— Шу қисқа давр ичида эришган ютуқларимиз бисёр, — дейди оқсоқол. — Ҳатто буни республика миқёсида ҳам эътироф этишди. Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси томонидан эълон қилинган "Энг ибратли маҳалла оқсоқоли" кўрик-танловида Тошкент шаҳри бўйича ғолиб деб топилдим. Кўрик-танловнинг республика босқичида эса рағбатлантирувчи мукофот билан тақдирлашди. Бу нафақат менинг, балки фуқаролар йиғини ходимларининг, фаолларининг, қолаверса, барча маҳалладошларимизнинг хайрли ишларига берилган муносиб баҳо бўлди.

СУРАТДА: оқсоқол Мақсудхўжа Азимхўжаев (ўнгдан иккинчи) маҳаллада амалга ошириладиган галдаги ишлар режасини муҳокама қилмоқда.

МУХБИРИМИЗ

Олам турфа

ТЎРТ ЁШДА — ОЛИМ

Деярли уч юз йил вақт ўтмоқда, вироқ ўша воқеа Дания қироллиги тарихида ҳалиям унутилгани йўқ. 1726 йилда қирол Фредерик IV салтанатига олмонялик ёш иқтидорли вола — Любек Кристин Генрих Хейникен меҳмонга келиб, барчани ҳайратда қолдирган эди.

Танилиб-танилмаган рассомнинг ўғли бўлмиш Кристин 9 ойлигидаёқ гапиришни бошлаган. Бир ёшлигида Инжилнинг 5 бобини ёддан билган. Бир ярим ёшида эса Инжилни бошдан-оёқ ёд олган. Яна бир йил ўтгач, қадимда ҳукмронлик қилган барча подшоликлар тарихини осонликча ўзлаштирган.

Кристин кейинчалик жўғрофияда ўз қобилиятини синаб кўрди. 4 ёшли олим Даниянинг бир неча харитасини чизган ва қиролга кўрсатмоқчи бўлган. Қирол уни отаонаси билан Копенгагендаги саройлардан бирида обрўли кишилар иштирокида қабул қилган. Бу учрашув биринчи ва охиргиси эди. Негаки, ўша учрашув қатнашчиларининг барчаси боланинг қобилиятини кўриб, тўсатдан ҳушидан кетишади. Бу эса болага ёмон таъсир қилган. Кристин ўша йили 4 ёшу 4 ойлик ва 21 кунлик умр кўриб вафот этган.

ОБ-ҲАВО АТЛАСИ

Об-ҳаво билан қайфиятнинг бир-бирига боғлиқлигини олимлар аллақачон аниқлашган. Румонияли тиббиётчилар эса синоптиклар билан биргаликда об-ҳавонинг тиббий атласини тузишди.

Олимлар шамолнинг кучи ва йўналиши одамларнинг соғлиғи ва кайфиятига қай даражада таъсир этишини аниқладилар. Ғарбдан эсган нам шамол нафас йўли ва ўпка касалликлари борларга ёмон таъсир кўрсатаркан. Бундан ташқари одамлар кўпроқ бош оғриғидан шикоят қилишади. Қуруқ ва иссиқ жануб шамоли пайтида одамларнинг қон айланиши яхшиланади. Шимолий циклонларда киши қон босими кўтарилади. Об-ҳавонинг тиббий атласи шифокорларга ташхис белгилашда яхши ёрдам бермоқда.

М.ИСЛОМОВА тайёрлади.

Ҳамкорлик

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ - ТИНЧЛИК ҚЎРҒОНИ

Республика "Маҳалла" жамғармаси ҳамда Ички ишлар вазирлиги томонидан тузилган қўшма режа бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг дастуриламали бўлаяпти.

Бугун жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган нотинчликлар, инсоният бошига мусибат солаётган халқаро террор балоси, ақидапарастлар қутқуси юртдошларимиз учун ҳам нотаниш ҳол эмас. Зеро, бундан тўрт ой муқаддам Андижонда содир этилган воқеалардан жабр чеккан Ўзбекистон халқи тинчлик ва осойишталикнинг бош омили огоҳлик эканлигини яхши англашади.

Айни пайтда юртимизда фаолият юритаётган 9900 дан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятида ҳам осойишталикни таъминлаш борасида қатор ижобий ишлар олиб борилаётганини кузатиш мумкин. Ушбу режага кўра маҳаллаларда жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда одамларни огоҳликка чақиришга доир салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳа, бугун ички ишлар идоралари билан маҳаллалар ўртасидаги ҳамкорлик самараси қувонарли. Кўпгина маҳалла фуқаролар йиғинлари биноси олдида милиция таянч пунктларининг барпо этилиши ҳам жойларда жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муайян ютуқларни қўлга киритишимизга хизмат қилаяпти. Қолаверса, фуқароларнинг эндиликда қўни-қўшни ўртасидаги низолар, оилавий келишмовчиликлар, эр-хотин ўртасидаги жанжалларни муҳокама қилиш учун узоққа бориб, идорама-идора юришларига ҳожат йўқ. Негаки, бундай масалаларни шу ернинг ўзида, маҳалла оқсоқоли ва профилактика инспектори билан бамаслаҳат ҳал этиш имконияти мавжуд.

Дарвоқе, ҳудудда барқарорликка эришиш, осойишта ҳаётни таъминлаш учун одамлар орасида тарғибот-ташвиқот юритиш билангина чекланиб бўлмайди. Тинчлигимизга раҳна солувчилар фақат орамиздан чиқиши мумкин, деган янглиш ўй билан яшасак, эртага кўз ўнгимизда юзага келган ташқи хавфни бартараф этишга ожиз бўлиб қоламиз. Шу маънода маҳаллаларда ҳар доим кучли назорат ўрнатилиши лозим. Бу ўз-ўзидан маҳалла посбонлари зиммасига масъулиятли вазифалар юклайди. Улар ҳудудда навбатчиликлар ташкил қилиш, фуқароларнинг паспорт тартиботи қоидаларига риоя қилишларини текшириш, жиноят қилишга мойил ёшлар билан профилактик ишлар олиб боришда милиция таянч пунктлари ходимларига яқиндан ёрдам беришади. Айни пайтда республикамиз бўйича мавжуд 7580 тадан ортиқ "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари теварагига бирлашган 52 минг 553 нафар маҳалла посбонлари фаолиятида ана шундай ижобий жиҳатлар яққол кўзга ташланаяпти.

Мана, шу кунларда Андижондаги террорчилик ҳаракатларини содир этганликда айбланаётган 15 нафар жиноятчилар устидан суд жараёни давом этмоқда. Судда айбланувчилар, жабрланувчилар ҳамда гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглар эканмиз, бир ҳақиқат ойдинлашади. Яъни айрим ёшларимиз мўмай даромад топиш илинжида иш излаб маҳалла ҳудудидан чиқиб кетадилар, уларнинг ойлаб, ҳатто йиллаб уйга қайтмаслиги ҳеч кимни ташвишлантирмайди. Ота-она эса "болам пул топаяпти, қаерда бўлса ҳам соғ-саломат бўлса бўлди" деган ўйда ғафлатда қолиб кетаверадилар. Оқибатда назоратсиз қолган фарзанд турли жиноят кўчаларига кириб кетади, ёвуз ниятли кимсаларнинг пуч ваъдаларига алданиб қолади. Шу маънода бугун профилактика инспектори, маҳалла оқсоқоли ва посбони биргаликда ёшларнинг бўш вақтлари қандай ўтишини назорат қилишлари зарур. Бунинг учун аҳоли гавжум бўлган жойларда, ўқув муассасаларида тез-тез рейдлар ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ўтган йилдан бошлаб юртимиздаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иш бошлаган эди. Айни пайтда улар хотин-қизлар, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида турли маданий-маърифий тадбирлар ташкил қилиб, ўз навбатида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашмоқдалар.

Эътиборли томони, кейинги йилларда маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида катта тажриба тўпланди.

Ҳа, тинчлик ва осойишталик барчамиз учун қадрли. Демак, уни асраб-авайлаш, мустаҳкамлаш учун ҳам барчамиз бирдек масъул бўлмоғимиз даркор.

Садриддин ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси ўринбосари.

Ҳурматли обуначилар!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календари штампели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганлиги, пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Бугун бўлмаса ҚАЧОН?!

Азиз муштарий!
Сиз ушбу варақани қирқиб олиб, тўлдириб обуна уюштирувчи бўлимларга борсангиз, обунани ҳеч қийинчиликсиз амалга оширасиз.

Юрт тарихидан лавҳалар

ЕТТИ ИҚЛИМ ТУТАШГАН МАНЗИЛ

Юртимиз шаҳарлари азалдан дунёнинг йирик савдо марказларидан бири ҳисобланади.

(Давоми. Аввали ўтган сонда)

XIX асрнинг бошларида ҳам Бухоро Ўрта Осиёдаги ўлкалар учун ўзига хос савдо кўприги вазифасини ўтарди. Шу боис, Бухоро амалдорлари ўлкада савдо-сотиқ ишларини янада ривожлантириш мақсадида ҳудудда барча қулайликларга эга бўлган карвонсаройлар, работ, усти ёпиқ қудуқлар ва сардобалар қурдирган ва уларнинг ёнида божхоналар фаолиятини йўлга қўйган. Натижада ўша даврда Бухоро Ўрта Осиёдаги энг йирик савдо марказига айланган.

Маълумотларда қайд этилишича, Бухоро орқали ҳар йили 10-16 минг туяда 200-250 минг пудлик Қўқон, Тошкент, Самарқанд, Хўжанд, Шаҳрисабз савдогарлари томонидан турли товарлар қўшни мамлакатларга олиб ўтилган. 1800 йилда Бухородан Россияга 484 минг сўмлик калава ип, 42 минг сўмлик ип-газлама келтириб сотилган. 1801 йилда 20 минг сўмлик пахта толаси, 102 минг сўмлик ошланмаган (хом) тери, 51 минг сўмлик ип-газлама газмоллари, 410 минг сўмлик ипак ва шойи буюмлари, 518 минг сўмлик қуруқ мева, майиз ва бошқа маҳсулотлар Россия бозорларига чиқарилган. Е.К.Мейендорфнинг маълумотларига кўра (1820 йил), Бухоро ва Россия ўртасида савдо алоқалари мустаҳкам бўлиб, Бухородан Россияга ҳар йили 3 минг туяда 10-15 миллион сўмлик ипак ва ипак кимхоблар, зарбоф ва зардўзлик буюмлари, атласлар, духобалар, майда гулли читлар, шунингдек, қоракўл терилари олиб бориб сотилган. 1850-1860 йиллар давомида Бухородан Оренбург орқали Росссияга бир миллион сўмлик ип ва газлама буюмлари, шойи материаллари, турли рангли читлар, гилам ва шолчалар, жундан тўқилган буюмлар келтирилган.

Манбаларда келтирилишича, 1862-1866 йиллар давомида Бухородан Россияга 1718617 сўмлик пахта толаси, 1275000 сўмлик пахта толасидан тайёрланган ип-газлама, 3419000 сўмлик тери ва чарм буюмлари, 777413 сўмлик ипак ва шойи буюмлари, жун ҳамда қуруқ мева ва майиз жўнатилган. 1868-1869 йилларда Россия шаҳарларида 2 млн. 300минг сўмлик пахта толаси ва ип-газлама, 1 млн. 150 минг сўмлик ипак ва шойи буюмлари, 690 минг сўмлик чарм, пўстин ва мўйна чиқарилган.

XIX асрнинг 70-80 йилларига келиб, Бухородан Шарқ мамлакатларига бир ярим миллион дона қоракўл терилари, шойи буюмлари, гилам ва шолчалар чиқарилган. 1882 йили Бухоро хонлигига қарашли вилоятлардан 1573169 сўмлик турли товарлар Россияга олиб кетилган.

1885 йилда Россияга Бухородан юз минг парча турли хил газлама чиқарилган. Бундан ташқари, шу йилнинг ўзида Россиянинг турли шаҳарларига 603 минг сўмлик ипак, 478 минг сўмлик пахта, 540 минг сўмлик қоракўл териси ва мўйна, 12 минг сўмлик қуруқ мева, 62 минг 600 сўмлик қўй ичаги, 112 минг 700 сўмлик бошқа харидорбоп моллар, жами 1808300 сўмлик товарлар чиқарилган. 1897 йили Бухоро 25 миллион сўмлик, яъни 125 минг пуд ипакни четга чиқарган. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Бухоронинг пахта толаси, ипаги, қоракўл териси, жун, ип-газламаси, гилам, шолча ҳамда қуруқ меваларига ички ва ташқи бозорларда эҳтиёж орта боради.

Тарих фанлари номзоди Э.Исматовнинг маълумотига кўра, Бухородан Россиянинг Ирбит ярмаркасига 1900-1916 йилгача, яъни 15 йил мобайнида 2 миллион 700 минг сўмлик қоракўл терилари чиқариб турилган. Шундай қилиб, Бухоронинг шарқ мамлакатлари билан савдоси йилига 60 миллион сўмни ташкил этган. XIX асрнинг кейинги йилларида Бухоро ўзининг ипаги ва шойи буюмларини Афғонистон, Ҳиндистон, Қашқар ва Эронга чиқарган. Агар Бухоро 1850-1860 йилларда четга — ташқи бозорга 50 минг пуд пахта толаси чиқарган бўлса, 1915 йилга келиб унинг миқдори 2 миллион пудга етган. XIX асрнинг 70-80 йилларида ҳар йили Бухоро четга 30-40 минг дона Қоракўл териларини чиқарган бўлса, 1911-1914 йилларга келиб, бу кўрсаткич 1,5-2 миллион донага кўпайган, баҳоси ўн баробарга ошган.

Бухороликлар ўзининг 2500 йиллик тарихида бадиий ва амалий санъатнинг ноёб асарларини яратганлар. Жумладан, 1889-1900 йилларда Париж, 1893 йилда Чикаго, 1906 йилда Милан, 1907 йилда Бордо, 1914 йилда Берлин ва Лондон кўргазмаларида бухоролик усталар, ҳунармандлар буюмларига олтин, кумуш, бронза нишонлар, ёрлиқ ва дипломлар берилиши улар тайёрлаган маҳсулотларга юксак баҳо эди.

Бухоро ҳунармандлари тайёрлаган зеб-зийнат, заргарлик, зардўзлик, гилам ва шолчалари, кулолчилик буюмлари 1972 йили АҚШнинг Нью-Йорк, Вашингтон, Лос Анжелес, Чикаго ва Бостон шаҳарларида, 1986 йилда Эрон, Ҳиндистон, Туркия ва Японияда ташкил этилган халқаро кўргазмаларда юқори баҳоланди.

Мустақиллик йилларида Бухоро ҳунармандчилиги анъаналари тикланиб, ривожланиб, янгича мазмун ва шакл касб этди. 1995 йилда Покистонда бўлиб ўтган Ислом мамлакатлари I халқаро фестивалида (фестивалда 40 мамлакат халқ усталари қатнашди) бухоролик ҳунармандлар ҳам қатнашиб, улар тайёрлаган зардўзлик ва заргарлик буюмлари фестивалда мутахассислар ва томошабинлар томонидан юксак баҳоланди. Бухоро ҳунармандлари ижод қилган нафис санъат асарларига Франция, Олмония, Канада, Эрон, Япония, Ҳиндистон, Туркия, Америка, Арабистон мамлакатларида, айниқса, йил сайин қизиқиш ортмоқда. Бугунги кунда Бухоро ҳунармандчилиги маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларда кўплаб сотилиши билан бирга, жаҳоннинг йирик музейлари залларини ҳам безаб турибди. Шунингдек, Шарқ ва Ғарбда машҳур бўлган Бухоро қоракўл териларининг ҳам бугун жаҳон бозорида харидорлари кўп.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

Хат қутидан топилма

ФИКР — ДУР...

Энг ёмон дард — ўз дардига боғланиб қолишдир.

* * *

Киши қанчалик истеъдодли бўлмасин, барибир жамоат ҳамиша донорок ва қудратлироқдир.

* * *

Қулоқдан дилга кирмаса нур, сичқон кавагидан фарқи не бўлур.

* * *

Айрим одамлар аслида ҳам яшамайдилар, яшамоққа уринадилар холос.

* * *

Ҳаёт уни ўрганадиган кишиларгагина ўргатади.

* * *

Яшаш кураш демакдир, кураш — яшашдир.

* * *

Кураш ҳаёт шартидир, кураш тугаса ҳаёт ҳам маҳв бўлади.

* * *

Тирик одам ҳали ҳеч нарсани йўқотмадим, деса бўлади.

* * *

Умид — юрак ёрилиб кетмаслиги учун қалқондир.

Ф.НАСРИДДИНОВА,
диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси.

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Айни пайтларда рақибларингиз турли томондан сизга "ҳамла" қилиши мумкин. Бундан чўчиманг. Сабаби ғалаба сиз томонда бўлади.

СИГИР(22.04-20.05)
Ҳамкорлар билан муносабатда самимийроқ бўлишга ҳаракат қилинг. Ўзингизга ишонсангиз муаммолар тез ечимини топади.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Фарзандлар, муҳаббат, ижод каби тушунчалар айнан шу кунлардаги дам олиш кунларингизни мароқли ўтишига хизмат қилади.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Оила аъзоларингиз ва яқинларингиз билан муросасиз ҳолатларга тушишдан эҳтиёт бўлинг. Келгусидаги муаммолар бартараф этилади.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Яқин кунлар қандай кечиши ўзингизга боғлиқ бўлади. Шундай экан, хатти-ҳаракат ва муомалада эътиборлироқ бўлинг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Илгари қилган сайъ-ҳаракатларингизнинг молиявий самараси айни кунларда сезилиши мумкин. Кунларингиз тинч ва осуда кечади.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Яқин кунларда ижодий томондан фаол бўлмаганингиз маъқул. Куч-кувватингизни сизни кутаётган "катта ишлар"га асраб қўйинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Айни кунларда толиқишингиз ва ўзингизни нохуш сезишингиз мумкин. Соғлиғингизни тиклашингиз кераклигини унутманг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Режаларингизни амалга оширишингизда ўз салоҳиятингизга бўлган ишонч ҳамда дўстлар мадади кўмак беради.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Айни кунларда юзага келадиган муаммолар туфайли оиладаги ўрнингиз нақадар муҳим эканлигини яна бир бора ҳис этасиз.

КОВҒА (20.01-18.02)
Айни кунларда таълим олиш, реклама, муҳим кишилар билан учрашувлар каби юмушларга файласуфона ёндошганингиз маъқул.

БАЛИК (19.02-20.03)
Кредит, мерос ишларини яхши йўлга қўйиш учун имконият туғилиши ҳамда муаммолар ўз ечимини топиши мумкин.

Шундай ҳунарлар борки, улар оилавий анъанага айланиб авлоддан-авлодга мерос ўтиб, асрлар давомида барҳаёт яшайди. Айрим маълумотларга кўра, кўҳна Бухоро заминида яқин йилларгача 300 га яқин қўнғироқсоз усталар бўлган экан. Айни кунга келиб уларнинг сафи сийраклашган ва замонавий техника асрида қўнғироқларга эҳтиёж камайган бўлса-да, қўнғироқсоз аждодлар руҳини шод айлаб, уларнинг дасти ҳунарини давом эттириб келаётган ҳунармандлар ҳали бор.

СУРАТДА: *бухоролик қўнғироқсозларнинг янги авлоди вакили.*

Луқма

ОҚСОҚОЛ ИЗЗА БЎЛДИ...

фақат ахлат уюми учун эмас, аслида маҳалладошлари қалбини уйғота олмагани учун ҳам

... Бир қариндошимиз бандаликни бажо келтирган экан, қўшни маҳаллага таъзияга бордик. Тўмонат одам йиғилган. Ўтиривмизу, яқин атрофдан келаётган ачиқ қўланса ҳиддан ҳайрон бўлиб бир-виримизга тикиламиз.

Марҳум, унинг яқинлари ҳурмати учун одамлар ўзларини сипо тутишга қанчалик ҳаракат қилишмасин, бу бадбўй ҳидга чидаш мушкул эди. Ҳамма бир-бирига, атрофга савол назари билан қарай бошлади. Охири марҳумнинг яқинларидан бири одамлар орасидан маҳалла оқсоқолини топиб, унга ҳовлининг орқа томонини кўрсатиб нималарнидир қизиққонлик билан гапирди. Оқсоқол изза бўлган кўйи ҳовлидан чиқиб кетди. Маълум бўлишича, маҳалланинг бир четидаги ахлатхонага боришга эринган баъзи қўни-қўшнилар марҳумнинг ҳовлиси орқасидаги кафтдек майдонни ахлатхонага айлантиришган, бадбўй ис эса ўшандан экан. Кимдир "Маҳалла раиси дегани шундай тартибсизликларга барҳам бериб қўймайдими, э садқаи раис кетэй" деб юборди. Хуллас, ахлат уюмлари ташиб кетилди шекилли, бироз вақт ўтиб бадбўй ҳид йўқолди...

Ўша воқеадан бирор ҳафта ўтиб яна қўшни маҳаллага йўлим тушди. Ўша майдончада ахлат тоғдек уюлиб ётар, ҳамма ёқни қумурсқаю пашша босганди. Атрофда дайди ит-мушуклар санғиб юрарди. Димоғимга яна ўша бадбўй ис урилди. Таъзияда оқсоқолнинг шаънига айтилган гапни эсладим. Тўғри, маҳалла саришталигига эътибор қаратиш унинг вазифаларидан бири. Лекин ободончиликка эришиш биргина оқсоқолнинг саъй-ҳаракати билан бўлмайди-да. У майдончани ахлат уюмларидан тозалатиб қўйиши мумкин, аммо кечаю кундуз шу майдончани қўриқлашнинг имкони йўқ. Демак, майдонча атрофида яшовчи хонадонлар соҳиблари ҳам бунга ҳушёр туришлари, ахлат ташловчиларга танбеҳ беришлари керак. Ахир чиқиндини бегоналар эмас, шу ерликлар ташлаётгани аниқ-ку. Бордию яна тўйми, худо кўрсатмасин, таъзиями бўладиган бўлса яна оқсоқолга таъна-дашномлар қилиб, майдончани тозалайдиларми? Оқсоқолга ҳам ҳайронман, кўпнинг ичида изза бўлгунча, қатъий чора қўллаб масалани ҳал қилиши мумкин-ку. Наҳотки, у ўз маҳалладошлари қалбида маҳалла-кўйга, яшаш масканига ҳурмат ҳиссини уйғотолмаса?

Рустам ҲАЙИТОВ

Диққат: обуна!

Халқ донишмандлиги, маҳалла иши намунаси, отахон ва онахонлар ҳаёт тажрибаси ойинаси, сизнинг содиқ йўлдошингиз — Mahalla дир.

Ф. МТ-1

Mahalla газета / журнал — 148 (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи) — Комплектлар сони

йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга

(фамилияси, исми ва отасининг исми)

п.в. жойи — НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ — 148 (нашр кўрсаткичи)

Mahalla (нашр номи)

Обуна баҳоси _____ сўм — Комплектлар сони

_____ йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга

(фамилияси, исми ва отасининг исми)

ESENYA
Қурилиш-инжиниринг фирмаси
ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:
☑ БОҒЛАР, АТТРАКЦИОНЛАР, БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
☑ БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
☑ БАССЕЙНЛАР;
☑ АКВАПАРКЛАР.
Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб берувчисимиз.
Эскириб колган аттракционлар ва бошқа боғ жиҳозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.
Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: 107-16-00. Тел./факс: 152-13-01.

1981 йилда Тошкент геологияқидирув техникуми томонидан Уденеева Ирина Генадьевна номига берилган БТ 569901 рақамли 18-рақамида рўйхатланган диплом йуқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

Учтепа (собиқ Акмал Икромов) туманидаги "Зиявутдинов Анвар Бахтиярович" хусусий корхонасининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

"ENGILSANOATQURILISH O'ZBEKENGILSANOAT DAVLAT AKSIONERLIK JAMIYATI QURILISH DIREKSIYASI" шўъба корхонаси МЧЖга айлантирилмоқда.

Мурожат учун манзил: Зиё Саид кўчаси, 2-А уй.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

7157 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-922
2 3 4 5 6
Топширилди —